

Халқ-саҳна рақсини ўқитиш услубиётида хорижий тажрибалар



- ❖ ЎзДСМИ хузуридаги Тармоқ маркази
- ❖ Хореография (турлари бўйича)
- ❖ Доцент: Ешимбетова Айдын Ибадуллаевна

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий таълим ,фан ва
инноватциялар**

**вазирлигининг 2023 йил 25 августдаги 391-сонли буйруғи
билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб
чиқилган.**

Тузувчилар: ЎзДХА “Профессионал таълим” кафедраси доценти
Ешимбетова Айдын Ибадуллаевна

ЎзДХА “Хореография жамоалари раҳбари” кафедраси
стажёр-ўқитувчиси
Усеинова Сусанна Энверовна

Такризчилар: ЎзДХА “Профессионал таълим” кафедраси доценти
Магдиева Алина Ариповна

ЎзДХА “Хореография жамоалари раҳбари” кафедраси
профессори, “Шодлик” ашула ва рақс ансамбли бадий
раҳбари
Муминов Қодир Тошкинович

МУНДАРИЖА

I.	ИШЧИ ДАСТУР.....	4
II.	МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	13
III.	НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	18
IV.	АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	50
V.	КЕЙСЛАР БАНКИ.....	60
VI.	ГЛОССАРИЙ.....	62
VII.	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	68

І. ИШЧИ ДАСТУР

І. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникама, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Халқ-сахна рақсини ўқитиш услубиётида хорижий тажрибалар ”

модулнинг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларига рақс комхолатси ва замонавий пластика масалалари бўйича илгари сурилган илмий-амалий концепциялар тўғрисида қиёсий, таҳлилий маълумотлар бериш, замонавий педтехнологиялардан фойдаланиб тингловчиларни малакасини оширишга кўмаклашиш;

- Халқ-сахна рақси назарияси ва сахналаштириш амлиёти янгича назарий концепцияларининг мазмун-моҳиятини ёритиш, хореография санъатини таълим-тарбия жараёнида қўллашнинг афзалликлари, замонавий мавзулар кашф этиш учун зарур бўладиган таянч билимларни беради .

“Халқ-саҳна рақсини ўқитиш услубиётида хорижий тажрибалар” модули вазифалари:

Хореография санъатининг ривожланиш босқичлари, унинг асосий йўналишлари ҳамда санъат ва маданият соҳасини модернизациялаш билан боғлиқ ўзгаришлар ва янгиланишларни илмий назарий таҳлил этиш, ўзига хос хусусиятлари, мақсад-вазифаларини тингловчиларга етказиш;

- Хореография санъати ва унинг таълим-тарбия билан боғлиқ бўлган назарий масалаларни, бу жараёнда таълим-тарбия ролининг ошиб бориши, юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш борасидаги ислохотлар, эришилган ютуқларни олий таълим тизими билан боғлиқ ҳолда таҳлил этиш, таълим-тарбиянинг узлуксизлигини таъминлашнинг шарт-шароити ва омилларини “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”га таянган ҳолда ўрганишдан иборат.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

“Халқ-саҳна рақсини ўқитиш услубиётида хорижий тажрибалар” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

Олий таълим ўқитувчилари малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари ва тайёргарлик йўналишлари бўйича намунавий дастурлар асос қилиб олинган.

2.Тингловчи халқ-саҳна рақси назарияси ва услублари ҳақида тасаввурга эга бўлиши керак;

3.Хореография санъатининг ривожланиш босқичлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш керак;

4. Халқ-саҳна рақси назарияси ва услубиётини билиш керак;

5.Билимларни амалий ўзлаштира олиши керак.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- хореографияни тарбиялашда мавжуд замонавий ўқув воситалари ва шакллари;
- замонавий ўқув-амалий машғулот турлари;

- Халқ-саҳна рақси назарияси ва услуби мақсад ва вазифаларини;
- замонавий педтехнология услубларини;
- халқ-саҳна рақсини ўқитиш назарияси ва методикаси;
- замонавий талабдаги машғулотларни яратиш ва амалий олиб бориш;
- ўқув этюдларни сахналаштиришни;
- муסיқали таълим асосларини;
- Халқ-саҳна рақси назарияси ва сахналаштириш амалиётларини ўқитишдаги инновацияларни;
- Халқ-саҳна рақси назарияси ва сахналаштириш амалиёти услубиётини ўқитиш методикаси, замонавий услуб ва воситаларини;
- хореография санъати ва маданият соҳасидаги долзарб масалаларни **билиши** керак.

Тингловчи:

- хореография жамоаларида ижодий жараённи ташкил этиш ва бошқариш;
- хореографик жамоаларда олиб бориладиган ишларини ўзига хослиги;
- хореография асарларидаги драматургиянинг асосий қонунлари;
- хореографик мерос намуналари: халқ-саҳна рақслари доирасид;
- “Халқ-саҳна рақси назарияси ва сахналаштириш амалиёти услубиёти” фанида рўй бераётган инновацияларни амалиётга тадбиқ этиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- халқ-саҳна фани машғулотларида инновациялардан фойдаланиш;
- оммавий-томоша тадбирларини, фестивалларни, танловлар ва кўрик ҳамда семинарларни ташкил этиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- Халқ-саҳна рақсини ўқитиш услубиётида хорижий тажрибалар фанини ўқитиш;
- Халқ-саҳна рақси назарияси ва сахналаштириш амалиёти фани бўйича илмий тадқиқот билан шуғулланиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Хореография” курсларида ўтиладиган машғулотлар маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

1. маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
2. ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, машқларни бажаришда малакаларини шакллантириш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Халқ-сахна рақсини ўқитиш услубиётида хорижий тажрибалар” модули мазмуни ўқув режадаги “Акт маркетинг”, “Мутахассислик фанларни ўқитиш методикаси”, ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг “Халқ сахна рақси назарияси ва сахналаштириш амалиёти” фани бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Хореография санъатининг ривожланиш босқичлари, унинг асосий йўналишлари ҳамда санъат ва маданият соҳасини модернизациялаш билан боғлиқ ўзгаришлар ва янгилашлари илмий назарий таҳлил этилган. Бу санъат турининг жамият ривожига ўрни ва таълим-тарбия масалалари бўйича муҳим янги назарий концептуал ғоялари илгари сурилган.

“Халқ-сахна рақсини ўқитиш услубиётида хорижий тажрибалар” модули Хореография фанлари бўйича дарс берувчи профессор - ўқитувчиларининг малакасини оширишига қаратилган.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			Кўчма машғулот	Мустақил таълим
			Жами	Назарий	Амалий машғулот		
1.	Халқ-саҳна рақси бадиий ижод тури сифатида, унинг шаклланиши ва ривожланишининг тарихий шарт-шароитлари. Халқ-саҳна рақси асосчилари.	2	2	2			
2.	Халқ-саҳна рақсида экзерсис мақсади ва вазифалари. Дастгоҳ олдида бажариладиган машқларнинг терминологияси ва услубиёти.	2	2	2			
3.	Халқ-саҳна рақслари дарсларини ўтиш ва педагогик ишларни олиб бориш. Рақс ҳаракатларининг таҳлил этиш ва улар асосида комбинациялар яратиш.	2	2		2		
4.	Халқ-саҳна рақси қўл ва оёқ ҳолатлари.	2	2		2		
5.	Зал ўртасида халқ рақсларнинг ҳаракатларини ижро этиш амалиёти. Уларни ижодий ва педагогик таҳлил қилиш.	2	2		2		
6.	Халқ-саҳна рақси элементлари асосида комбинацияларни тузиш.	2	2		2		
7.	Халқ-саҳна рақси элементлари асосида ўқув этюдларини сахналаштириш.	2	2		2		
Жами 20 соат		14	14	4	10		

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Халқ-сахна рақси бадиий ижод тури сифатида, унинг шаклланиши ва ривожланишининг тарихий шарт-шароитлари. Халқ-сахна рақси асосчилари. (2 соат).

Халқ рақси мавзулар ва услублар билан бой ва турли хилдир. У ёки бу мамлакат табиати, турмуш тарзининг турли шарт-шароитлари халқларнинг ижодига ўз таъсириини ўтказди ва бу рақсларда намоён бўлди.

Халқ рақси сахна рақсига қадар узоқ ривожланиш йўлини босиб ўтди, виртуоз техникаси тасвирий қиёфани яратди ва тажрибали хореографлар томонидан қайта ишланди, янги ранглар билан бойитилди, миллий рух сақланиб қолинди. Халқ рақс санъати узоқ вақт ҳаваскорлик ижодининг оммавий шаклига айлантирилди. Кичкина гуруҳлардан тортиб минглаб рақс ансамбллари ва рақс театрлари халқ хореографик санъати намуналарини ўзида акс эттира бошлаган. Шу сабабли, барча махсус фанларни ўрганиш юқори малакали ижрочини тайёрлашнинг ажралмас қисми ҳисобланадиган, ривожланган ўқитиш тизимига эга бўлган профессионал хореография мактабларининг тажрибасига, халқ-сахна рақси асосчилари қолдирган меросга, тизимга мурожаат қилиш жуда асосли.

2-мавзу. Экзерсис мақсади ва вазифалари. Халқ-сахна экзерсисини классик экзерсисдан фарқи. Дастгоҳ олдида бажариладиган машқларнинг терминологияси ва услубиёти. (2 соат).

Дастгоҳ олдида машқ бажариш - бу ҳар бир машқ орқали сахна туйғусини тарбиялашнинг бошланиши. Дастгоҳ олдидаги ҳаракатлар, мушакларимиз аппарати кучини ошириш вазифасини бажаради. Кўп элементларнинг ижро қоидалари классик рақсда қабул қилинган қоидалар билан бир хил.

Дастгоҳ олдидаги комбинацияларнинг намуналари фақат ўнг оёғдан бажарилади, комбинацияни бир оёғдан бажарилгандан сўнг, у бошқа оёғдан такрорланади. Дастгоҳ олдидаги машқлардаги кичик рақс бирикмалари, берилган ҳаракатларнинг аниқ бажарилиши учун катта аҳамиятга эга.

Дастгоҳ олдидаги машқлар ижрочини зал ўртасида ва сахнада ижро этиладиган рақс комбинациялари, ўқув этюдларига тайёрлайди, шундай экан дастгоҳ олдидаги машқларни ўрганиш, катта аҳмиятга эга.

3-мавзу: Халқ-саҳна рақслари дарсларини ўтиш ва педагогик ишларни олиб бориш. Рақс ҳаракатларининг таҳлил этиш ва улар асосида комбинациялар яратиш. (2 соат)

Халқ-саҳна рақси ўқитувчисининг дарсадаги ўрни ниҳоятда катта. Унинг раҳбарлигида талабаларнинг индивидуал имкониятларини шакллантириш ва намойиш қилиш, ижрочилик даражасини ошириш ва ижро этилган репертуарининг стилистик хусусиятларини ривожлантириш амалга оширилади. Шу билан бирга, келишилган ҳолда талабалар фаолияти ижодий гуруҳлар асосида педагогик йўналишга ҳам эга бўлади. Шунингдек, ўқитувчидан жиддий касбий билим ва ўқитувчилик тажрибасига эга бўлишлик талаб этилади.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот: Халқ-саҳна рақси қўл ва оёқ ҳолатлари (2 соат)

Халқ-саҳна рақсида қўл ва оёқ ҳолатлари, барча халқ-саҳна рақси ҳаракатлари пойдевори ҳисобланади. Фолклор рақсидан, халқ-саҳна рақсини фарқиҳам, айнан қўл ва оёқ аниқ ҳолатлари борлигида, академик ижрода, сахна конун–қоидалари асосида балетмейстер томонидан сахналаштирилганлигида.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, барча қўл ва оёқ ҳолатларини ўрганиш ва халқ-саҳна рақсини сахналаштириш жараёнида қўллаш мақсадга мувофиқ.

2-амалий машғулот: Зал ўртасида халқ рақсларининг ҳаракатларини ижро этиш амалиёти. Уларни ижодий ва педагогик таҳлил қилиш. (2 соат)

Халқ-саҳна рақси зал ўртасидаги рақс ҳаракатлари, ижрочини дарс давомида сахналаштириладиган ўқув этюдларига, кейинчалик сахнада ижро этиладиган рақс комҳолатларига тайёрлайди. Халқ-саҳна рақси ўқитувчиси, зал ўртасида ижро этиладиган рақс ҳаракатларини талабага ўргатиш жараёнида, техник маҳоратнинг ҳар бир талабага мос бўлган энг қулай мезонини топиши лозим. Яна бир муҳим жиҳат - унинг шахсий иш тажрибаси: ўқитувчи ўз тана ҳаракатлари, ҳис -туйғулари орқали бошқаларга ўргатиши лозим.

3-амалий машғулот: Халқ-саҳна рақси элементлари асосида комбинацияларни тузиш. (2 соат)

Халқ-саҳна рақси зал ўртасидаги рақс элементларини ва турли хил машқларини ўрганиш, автоматик равишда, халқ-саҳна рақси элементлари асосида комбинацияларни тўғри ва тез тузишга катта ёрдам беради. Рақс

комбинациялари, маълум бир мусикий ўлчовга мосланиб тузилади ва албатта танланган халқнинг рақс элементлари асосида шакллантирилади. Халқ-саҳна рақси комбинациялари қўл ва оёқ ҳолатлари, гавда ракурслари, мураккаб рақс элементларини ўз ичига камраб олиши мақсадга мувофиқ.

4-амалий машғулот: Халқ-саҳна рақси элементлари асосида ўқув этюдларини сахналаштириш.(2 соат)

Этюд - франсуз тилидан таржима қилинганда “ўрганиш” деган маънони англатади. Этюдлар яқка, жуфтлик, кичик гуруҳ ва катта гуруҳларда ижро этилади. Этюдлар яратиш ва тузишда анъаналарни, танланган халқ ўзига хослигини, рақсинг композицион қурилишини албатта инобатга олиш керак. Шундай қилиб, баъзи халқ рақслари, айлана бўйлаб ҳаракатланиш билан тавсифланади, бошқалари чизиқли қурилишга эга. Яқка рақсларни бирида фақат аёллар ижро этса, бошқаларида фақат эркеклар ижро этади. Жуфт бўлиб ижро этиладиган ва маълум комҳолатга эга бўлган рақслар шакллари, шунингдек, ижрочиларнинг импровизацияси асосида тузилган рақс этюдлари ҳам бор. Рақс этюди бир нечта рақс ибораларидан иборат, мақсади ижро маҳорати кўникмаларини ривожлантириш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш)

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

“SWOT-таҳлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

S – (strength)	• кучли томонлари
W – (weakness)	• заиф, кучсиз томонлари
O – (opportunity)	• имкониятлари
T – (threat)	• тўсиқлар

Намуна: “Маҳсус /” фанларида замонавий ахборот технологиялари”ни ўқитишда Sibelius дастурининг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг

S	Фанни ўқитишда Sibelius дастуридан фойдаланишнинг кучли томонлари	Тингловчилар сонининг чегараланганлиги, дарс жараёни ташкил этиш учун кўп имконият беради
W	Фанни ўқитишда Sibelius дастуридан фойдаланишнинг кучсиз томонлари	Халқ-сахна рақси фанига доир ўқув адабиётларни яратиш учун кўшимча дастурлар ўрнатиш талаб этилмоқда
O	Фанни ўқитишда Sibelius дастуридан фойдаланишнинг имкониятлари (ички)	Оддий интерфейс, Microsoft Office пакети барча дастурлари билан боғланиш имконини беради
T	Тўсиқлар (ташқи)	Microsoft Office пакети лицензияга эга (қиммат нархи)

“ТУШУНЧАЛАР ТАҲЛИЛИ” МЕТОДИ

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Слайд	бу тақдимотнинг бир вароғи бўлиб, ўзида матнларни, расмларни, аудио ва видео маълумотларни жойлаштириш имкониятига эга.	
Интерфаол тақдимот	иерархик тамойиллар бўйича тўзилмага келтирилган ва махсус фойдаланувчи интерфейси орқали бошқариладиган мультимедиали компонентлар тўплами.	

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

“Брифинг” методи.

“Брифинг”- (инг. briefing-қиска) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишланган қиска пресс-конференция.

Ўтказиш босқичлари:

1. Тақдимот қисми.
2. Муҳокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг яқунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, амалий ўйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо муҳокамасига бағишланган брифинглар ташкил этиш мумкин бўлади. Тингловчилар томонидан танланган мавзу бўйича яратилган тақдимотини ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин

“Хулосалаш” (Резюме, Веер) методи.

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айна пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуптиклардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу

«ФСМУ» методи.

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна:

Савол	Нима учун Sibelius дастурини билишимиз керак?
Ф – фикрингизни баён этинг;	
С – фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг;	

М – кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг;	
У – фикрингизни умумлаштиринг	

Топшириқ: Мазкур саволга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1 – мавзу. Халқ-сахна рақси бадиий ижод тури сифатида, унинг шаклланиши ва ривожланишининг тарихий шарт-шароитлари. Халқ-сахна рақси асосчилари. (2 соат).

Режа

1.1. Ҳаваскор гуруҳлари шаклланишининг тарихий босқичлари.

1.2. Халқ-сахна рақсини ўқитиш усуллари ва воситалари.

1.3. Альфред Фёдорович Бекефи

1.4. Александр Викторович Ширяев

Калит сўзлар: фольклор рақси, шакллантириш методикаси, ижро этиш қобилиятлари, халқ хореографияси, асосчилар.

1.1. Ҳаваскор гуруҳлари шаклланишининг тарихий босқичлари.

XX аср давомида халқ рақслари маданияти. қатор ўзгаришларни бошдан кечирди. СССРда халқ рақсининг асл шаклида йўқ бўлиб кетиши (ижтимоий-маданий макондаги ўзгаришлар, урбанизация ва саноатлашув, қишлоқларнинг анъанавий рақс маданиятининг шаклланиш жойлари сифатида йўқ бўлиб кетиши) билан бир вақтда халқ сахнаси рақсининг янги шакли пайдо бўлди. Натижада “халқ-сахна рақси” халқ маданиятининг ўзига хос модели сифатида ўзининг қадриятлари, анъаналари, ҳаётийлиги, бадиий образлари, илдизларга, инсониятнинг “жамоа хотирасига” мурожаат қилиш қобилиятига эга бўлган тарихий ҳодиса сифатида белгиланади.

Халқ рақси мавзулар ва услублар билан бой ва турли хилдир. У ёки бу мамлакат табиати, турмуш тарзининг турли шарт-шартлари халқларнинг ижодига ўз таъсириини ўтказди ва бу рақсларда намоён бўлди.

Халқ рақси сахна рақсига қадар узоқ ривожланиш йўлини босиб ўтди, виртуоз техникаси тасвирий қиёфани яратди ва тажрибали хореографлар томонидан қайта ишланди, янги ранглар билан бойитилди, миллий руҳ сақланиб қолинди.

Халқ рақс санъати узок вақт ҳаваскорлик ижодининг оммавий шаклига айлантирилди. Кичкина гуруҳлардан тортиб минглаб рақс ансамбллари ва рақс театрлари халқ хореографик санъати намуналарини ўзида акс эттира бошлаган.

Замонавий фольклор санъати ўзига хослиги унга асрлар давомида ишлаб чиқилган анъанавий рақс маданиятини фаол равишда тарғиб қилиш, халқнинг маънавий ва эстетик бойлигини қандай рўёбга чиқариш, янгича жанр ва шаклларга янгича ҳаёт тарзини бериш, янги анъаналарга эга бўлиш имконини беради. Бу вазифа рақс коллективи иштирокчиларига ҳам, шунингдек, ўқимишли бўлган томошабинга ҳам тарқатилади. Рақслар - нафақат бадий, балки ижтимоий ва маиший ҳодисаларни ўзида акс этади.

Саҳнада намойиш этилган рақс томошабиннинг эстетик дидига, унинг чиройли тушунчаларига, ғояларини тушунишга ва томошабинларда фольклор рақслари, санъат асарлари билан бадий мулоқотга эҳтиёж борлигига таъсир қилади.

Рақс, фольклор санъати, санъат асари сифатида томошабиннинг ижодий фаоллигини уйғотиши мумкин ва бу руҳий кучларни ишга солишни, ғояларни диққат билан англашни, ижодкор одамнинг шаклланишига олиб келадиган рақснинг бадий тасвири тушунчасини тушунишни талаб қилади. Ушбу санъатнинг ривожланиши томошабиннинг хореография соҳасида қандай ўқимишли бўлишига боғлиқ.

Ҳаваскорлик ижодкорлиги 1920-1930 йиллардаги янги тарихий шароитларда кенг кўламли тараққиёт ва оммавий фаолият олиб борди. У ерда кўплаб танловлар, халқ ижодиёти фестиваллари, турли ҳаваскор ва профессионал рақс гуруҳларини ташкил этилишига олиб келди.

1.2. Халқ-саҳна рақсини ўқитиш усуллари ва воситалари.

Халқ-саҳна рақси -бу талабаларнинг ижодий қобилиятлари намоён бўладиган фандир. Шунини тушуниш лозимки, дарснинг муваффақияти нафақат дарснинг тўғри танланган шакли ва мазмунига, балки жараёни тўғри ташкил этиш қобилиятига ҳам боғлиқ. Ўқитиш нафақат тўғри тушунтириш ва кўрсатиш,

хатоларни тузатиш ва маслаҳат бериш билан боғлиқ, энг аввало таълим ва тарбияга ҳисса қўшадиган шароитларни яратиш ҳамдир. Шунинг учун дарс экспериментал ва ижодий бўлиши лозим. Ижодий фикрлашсиз, ҳар қандай касб зерикарлига айланади ва бу айниқса педагогикага зиддир. Аммо талабалар билан тўлиқ боғланмасдан, ижод қилиш қийин.

Бу ҳақда Сухомлинский шундай ёзган эди: "Таълим жараёни тарбиячининг талаба билан маънавий ҳаётининг бирлигида - идеаллар, интилишлар, қизиқишлар, фикрлар, тажрибалар бирлигида ифодаланишида намоён бўлади".


Энг самарали, таълимнинг бирлиги ва бевосита ижод жараёнида тарбиялаш ва маҳоратга эгалик қилиш истаги пайдо бўлишини, бунга эҳтиёжни туғдириш ва уйғотилган қизиқиш асосида педагогик ва ижодий вазифаларни бирлаштирган мақсадга йўналтирилган ижодий жараённи амалга оширишдир. Ушбу шароитда, ҳаваскор коллеждаги ўқув жараёни инсонни тарбиялаш жараёнига айланади.

Барча маҳсул фанларни ўрганиш юқори малакали ижрочининг тайёрлашнинг ажралмас қисми ҳисобланадиган, ривожланган ўқитиш тизимига эга бўлган профессионал хореография мактабларининг тажрибасига мурожаат қилиш жуда асосли.

Халқ рақсининг хореографик жамоаси - болалар ва катталар орасида энг оммабоп ва севимли тадбирлардан бири. Халқ хореографиясини ўқитиш жараёнида ҳар қандай ёшдаги бола турли хил таассуротларни тўплайди. Халқ-сахна рақси сизни маънавий бойитишга, рақслар пайтида эстетик тажрибага эга бўлишга, халқнинг тарихи ва анъаналари билан танишишга имкон беради. Ўқитувчининг маҳорати, унинг профессионал намоёниши баъзан ўқувчиларни ҳайратда қолдиради, унга тақлид қилиш истаги пайдо бўлади. Шунинг учун ўқитувчи етарлича малакали ва мазмунли кўринишга эга бўлиши керак.

Халқ-сахна рақсининг ҳар бир дарси, ҳар доим мақсадли ва методологик жиҳатдан қурилган бўлиши керак.

1.3. Альфред Фёдорович Бекефи



Альфред Фёдорович Бекефи, келиб чиқиши бўйича миллати венгер. У 1843 йил 29 декабрда. Венгрияда хореограф Фридрих Бекефи оиласида туғилган, болалигидан рақс билан шуғулланган. Болалигиданоқ у Европа шаҳарларида гастролларда қатнашган. 1865 йилда у биринчи марта Россияга гастрол сафари учун келди, у ерда хусусий театрларда у иштирокидаги спектакллар 1866 йилда мавсум охиригача давом этди. 1876 йилда Москвага келиб, у 1883 йилгача Москва Катта Театрининг сахнасида рақс ижро этди, Император Театрининг балет труппасида раққос бўлиб фаолият юритди.

Шундай қилиб, бу даврда у икки "Оққуш кўли" премерасининг иштирокчиси бўлди.

Маълумки, П. Чайковскийнинг 1877 йил 4 мартда катта театрида Юлий Ресингер хореографиясида бўлиб ўтган ушбу дунёга машҳур балетнинг биринчи асари мусиқа билан бирга муваффақиятсиз деб топилган деб ишонишади, аммо баъзи ижрочилар танқид сифатида ижобий баҳоланиб, сахна асарининг ўзи узоқ вақт давомида сақланиб қолди.

Ушбу асарда Бекефи венгер рақсини ижро этди. 1882 йилда хореограф Жозеф Хансен эски спектаклни қайта тиклади ва қисман таҳрир қилди. 1882 йил спектаклда Алфред Бекефи Зигфрид партиясида чиқиш қилди.

Кейинчалик хореографлар Л. Иванов ва М. Петипа хореографияни бутунлай қайта кўриб чиқдилар ва дурдона- балет "Оққуш кўли" ни яратдилар.

1883 йилда Бекефи Санкт-Петербург император труппасига ўтказилди ва у ерда 1906 йил январгача рақсга тушди. У Париж, Монте-Карло, Милан, Рим,

Мадрид, Вена шаҳарларида гастрол сафарларида бўлган. Кўп йиллик хизмати давомида у икки марта олтин медаллар билан тақдирланган (1901- 1904 йиллар).

М.М. Петипа, В. Тсуки, О. И. Преобразженская, М. Ф. Кшесинская, рақсда унинг шериклари бўлишган. Танқидчилар таъкидлаши бўйича Бекефи, балет спектакларида испан, циган, венгер рақсларини моҳир ижрочиси бўлган. У ёрқин характердаги раққос эди, рус балетида халқ-саҳна рақсининг ривожланишига катта ҳисса қўшган.

Танқидчилар унинг А.В. Ширяев билан биргаликда, халқ-саҳна рақсни ривожлантиришга қўшган ҳиссасини таъкидлайди, улар балетларда халқ рақслар тўпламини сезиларли даражада кенгайтириб, ушбу мавзуда жуда кўп ишладилар.

Алфред Бекефининг видолашиш бенефиси 1906 йил январда бўлиб ўтди.

У бир муддат Европа бўйлаб гастролда бўлди, концертларда қатнашди ва 1914 йилдан бошлаб Санкт-Петербург театр мактабида педагогик фаолиятини бошлади ва ўзига хос рақсларни ўқувчиларга ўргата бошлади.

1.4. Александр Викторович Ширяев



Александр Викторович Ширяев - рус ва совет раққоси, хореограф, ўқитувчи, халқ рақси дарслиги асосчиларидан бири, кино ва анимацион филмларнинг биринчи режиссёрларидан бири.

Александр Ширяев 1867 йил 10 сентябрда Санкт-Петербургда туғилган. Унинг отаси тарафдан бобоси таниқли балет бастакори Цезар Пуни эди. Отаси

Гектор (Виктор) Цезарарович Пуни, Цезар Чиарди шогирди, Катта Театр оркестрида солист-флейтачи бўлиб фаолият юритган. Онаси Екатерина Ксенофоновна Ширяева ҳам Катта театрида рақс ижро этган, кардебалетнинг мохир ижрочиси эди.

Александр болалигидаёқ Александринский драма театрининг спектаклларида ўйнай бошлади. 1885 йилда А.Ширяев Санкт-Петербург Император Театр Мактабини битирган, унинг ўқитувчилари М.И. Петипа, П.А. Гердт, П.К. Карсавин, Л.И. Ивановлар бўлган.

1886 йилда у Мариинский театрига қабул қилинди, у ерда нафақат етакчи раққос, балки Мариус Петипа раҳбарлигида репетитор бўлди.

1900 йилда Александр Викторович хореограф ёрдамчисига, 1903 йилда эса театрнинг иккинчи хореографига айланди.

1902 йилдан бошлаб Ширяев Европа ва Россия бўйлаб саёҳат қилди ва у ернинг халқ рақсларини ўрганиб, ёзиб борди.

1905 йил 12 майда Александр Ширяев Мариинский театридаги хизматни тарк этди. 1909-1917 йилларда у Берлин, Париж, Мюнхен, Монте-Карло, Рига, Варшавада раққос ва хореограф сифатида ишлаган. Шунингдек Ширяев Лондонда очган мактабида репетитор бўлиб ишлаган. Ушбу мактабни деярли барча битирувчилари кейинчалик Анна Павлованинг труппасини ташкил этишди. Ширяев Россияга 1918 йилда қайтиб келди.

Театрдаги фаолияти.

Раққос Александр Ширяевнинг балетдаги репертуари 32 та турли қисмларни ўз ичига олади. Шу жумладан: «Қирол буйруғи» (Милон), «Уйқудаги гўзал» (Карабос), «Конёк-Горбунок» (Иван-Дурак), «Эсмиралда» (Квазимодо), «Арлекинада» (Арлекин, Кассандр), «Коппелия» (Коппелиус), «Корсар» (Сеид-пошо), «Раймонда» (Абдераҳман), «Тшетная предосторожность» (Марцелина), «Млада» (Шут(машарабоз)) ва бошқа образларни ижро этган.

Мариинский театрида хореограф сифатида ишлаган Александр Ширяев Мариус Петипа билан биргаликда "Наяда ва Балиқчи", "Харлем Лоласи",

"Коппелия", "Фараон қизи", "Қилол Кандавл" ва "Конёк - Горбунок" каби балетларни қайта тиклади.

Ширяевнинг сўнгги спектаклларида бири бу "Жизел"нинг янгиланиши эди ва Мариинский театридаги сўнгги иши "Пахита"нинг янгиланиши эди.

Александр Ширяев ўзининг янги асарлари учун ўзи ишлаб чиққан, балетларни уй шароитида тайёрлаш усулини қўллаган. У баландлиги 20-25 см бўлган папиер-маше қўғирчоқларини ясаган, уларнинг барча қисмлари юмшоқ симга тортилган. Бу хореографга уларга тўғри ҳолатни беришга имкон берган. Қўғирчоқлар қоғоз ва матодан тикилган тегишли костюмларда кийинган. Бир нечта қўғирчоқларни кетма-кет жойлаштириб, Ширяев уларнинг ҳар бирига олдинги қўғирчоқни яратишда давом этгандек кўриниш берган. Шундай қилиб, бутун серия композицион рақс кўринишига келган. Кейин комхолоатга мос келадиган саҳналарни танлаб, қоғоз лентага рақс нақшини чизди ва барча қадамларни санаб рақамлаб чиқди. Бу ўзига хос ҳикоя тахтасига, яъни кичик саҳнага айланди. Ушбу сюжет тахталаридан бирида Ширяев "Буффон" рақсини ҳалқа билан тасвирлади ("Буффон" рақсини у ўзи учун саҳналаштирган ва Л.И. Ивановнинг "Шелкунчик" балетида ижро этган).

Ўқитувчилик фаолияти.

1891-1909 йилларда Александр Викторович Санкт-Петербург Император Театр Мактабининг профессори бўлиб, у ерда биринчи марта унинг раҳбарлиги Император халқ рақси синф очилган. 1918-1941 йилларда Ширяев Ленинград хореография мактабида профессор бўлган. У ЛХУ миллий бўлими бошида турган, хусусан, Башкир балетининг асосий кадрларини тарбиялаган. А. В. Ширяев дунёда биринчи бўлиб, раққосаларни халқ-саҳна рақсга тайёрлаш ва ўргатиш тизимини яратди.

У кўплаб авлодларнинг балет раққосаларини ўқитган: Андрей Лопухов, Нина Анисимова, Александр Бочаров, Михаил Фокин, Федор Лопухов, Александр Монахов, Александр Чекригин, Пётр Гусев, Галина Уланова, Галина Исаева, Юрий Григорович ва бошқалар.

1939 йилда Александр Викторович, А. И. Бочаров ва А. В. Лопухов билан биргаликда "Основы характерного танца" дарслигини ёзган.

Шунингдек у "Петербург балети. Мариинский театри артисти хотираларидан." китобинингхам муаллифидир, бу китоб 1941 йил баҳорида ЖСТнинг Ленинград филиалида нашр қилиш учун тайёрланган, аммо ҳеч қачон нашр этилмаган. Китобнинг фотонусхаси Санкт-Петербург миллий кутубхонасида сақланади.

Назорат саволлари :

1. Ҳаваскор ва профессионал тайёргарлик ўртасидаги фарқ нима?
2. "Основы характерного танца" дарслиги муаллифи ким?
3. Халқ-сахна рақси тизими асосчилари кимлар?

Асосий адабиётлар

1. Гусев Г.П. Методика преподавания народного танца. М., 2003, 2004.
2. Зацепина К. и др. Народно-сценический танец. М.,1976.
- 3.Ткаченко Т. Народные танцы. М., 1975.
4. Ткаченко Т. Народный танец. М., 1971.

Интернет- сайтлари

1. www.garmonia.fili.narod.ru
2. www.plie.ru
3. <https://www.kino-teatr.ru/teatr/acter/m/empire/472961/bio/>
4. www.dancerussia.ru

2-мавзу. Халқ-сахна рақсида экзерсис мақсади ва вазифалари. Дастгоҳ олдида бажариладиган машқларнинг терминологияси ва услубиёти. (2 соат).

Режа:

2.1. Экзерсис мақсад ва вазифалари.

2.2. Дастгоҳ олдида бажариладиган машқлар.

Калит сўзлар : рақс, экзерсис, машқ, дастгоҳ, халқ-сахна рақси.

2.1. Экзерсис мақсад ва вазифалари.

Ижро маданиятини моҳияти рақоснинг билимидан иборат, турли характер ва йўналишда унинг жисмоний тайёргарлиги муҳимдир. Рақоснинг танаси яхши созланган соз каби бошқаришда осон, мулойим бўлишини, ҳар қандай бадий вазифаларни бажара оладиган уйғун кучга эга бўлиши, хореография усталарининг доимий орзусидир. Бундай мақсадга эришишнинг ягона йўли эса классик рақс бошчилигидаги махсус таълим тизими ёрдамидагина амалга ошади. Экзерсис бу суяк ва мушак бўғим аппаратининг доимий ва босқичма - босқич амалга ошириладиган машқларидир, ҳамда ўқувчиларнинг рухий ҳолатини мувофиқлашдан иборат бўлиб унинг иродасини, ҳаракат хотирасини, ритмикаси ва муסיқавийлигини ривожлантиради, мустаҳкамлайди. Экзерсисда оёқ мушаклари ҳар томонлама ривожланади, уларнинг эгилувчанлиги, қадам ва plie тана ҳолати, кўл ва бош ҳолатини туташ ҳаракатлар аниқлиги ортади. Кундалик машқлар жараёнида қоматнинг тиклиги ва барқарорлигига эришилади. Экзерсис қайишқоқликнинг асосини яратади, бу эса ўқувчининг таянч ҳаракат аппаратини комиллик даражасига етишига имкон беради, шу билан бирга организмни бадий пластик имкониятларини такомиллаштиришга эришилади. Бу рақс техникасини ўзлаштириш, хатти-ҳаракатининг асосини ташкил этади. Доимий машқлардан мақсад, рақос танасини турли ҳалқлар ва сахнавий рақсларни ижро эта

олишни тайёрлашдан иборат. Шундан келиб чиққан ҳолда, халқ-саҳна рақси, хусусан экзерсис, ижрочида миллийлик 10 хусусиятларини ривожлантириш ва ҳис этиш вазифаларини бажаради. Шу мақсадда ҳар бир алоҳида (станок) дастгоҳ ёнида бажариладиган машқларга асосий ҳатти-ҳаракатлардан ташқари халқ рақслари элементлари қўшилган. Фанниг мақсадларидан бири ўқувчиларни турли туман халқлар ижро маданияти ва ўзига ҳослиги, хусусиятлари ва фарқли томонлари билан таништиришдан иборат. Талабалар халқ-саҳна рақслар дарслигида мусиқа ва рақс ижроси қайси халққа тегишли эканлигини фарқлашга ўрганадилар. Экзерсис элементлари асосий рақс малакасини шакллантиради. Ҳар бир элементи ижрочи оддий ва аниқ пластик танасининг ҳолатини шакллантиради, бунда кўл, оёқ, қомат ва бош тана қисмларини ўзига ҳослиги ва фарқли жиҳатларини ўз ичига олган бўлади. Экзерсис элементларини такомиллаштириш—мураккаб жараён. Ўқувчининг аниқ мақсадга қаратилган ақлий фаолияти давомидагина ижро элементларини маҳоратига эга бўлиш мумкин. Бунда у ўз иродаси, диққат эътибори хотирасини жамлаган ҳолда олдига қўйилган аниқ вазифани бажаришга қаратилган. Экзерсис ижрочи учун айниқса муҳим бўлган олий даражадаги ҳаракатлар координациясини тарбиялайди. Экзерсиснинг ўзига хос асосий қадр шундаки, бу темп, ритм, размер йўналиш, такрорлаш ҳисобини, мушаклар кучланиши ва характерини турли-туманлигини ошириш имконидир. А. Лопухов, А. Ширяев, ва А. Бачеровлар дунёда биринчилардан бўлиб, характерли рақслар дарслигини яратганлар. Улар таъкидлаганидек: “Характерли рақс (курсини) босқичини ўтаган ўқувчи, бутун танасини машқ қилдираётиб, артистик ҳажминини оширади ва ҳар қандай дақиқада бир хил мувоффақият билан ҳар қандай рақсни ижро эта олади, ҳоҳ у испанча, чеченлар, украинча гопак бўлсин, ҳоҳ лезгинка”.

Рақсда оёқ ҳолати ва уйғунлашган оёқ ҳолатлари жуда кўп учрайди. Ушбу кўпликни ичидан ижрочи энг кўп бошлайдиган ёки яқунлайдиган ҳаракатларни ажратиб оламиз. Бу оёқ ҳолатлари ёки уйғун ҳолатлар асосий ҳисобланади.

Назорат саволлари :

1. А. Лопухов, А. Ширяев, ва А. Бачеровлар қандай дарсликни ёзганлар?
2. Экзерсис элементлари ижрочида қандай хусусиятларни тарбиялайди?
3. Халқ-сахна рақси экзерсиси асосий мақсади ва вазифалари?

Асосий адабиётлар

1. Гусев Г.П. Методика преподавания народного танца. М., 2003, 2004.
2. Зацепина К. и др. Народно-сценический танец. М., 1976.
3. Ткаченко Т. Народные танцы. М., 1975.
4. Ткаченко Т. Народный танец. М., 1971.

Интернет- сайтлари

1. www.garmonia.fili.narod.ru
2. www.plie.ru
3. <https://www.kino-teatr.ru/teatr/acter/m/empire/472961/bio/>
4. www.dancerussia.ru

3-назарий машғулот. Халқ-сахна рақслари дарсларини ўтиш ва педагогик ишларни олиб бориш. Рақс ҳаракатларининг таҳлил этиш ва улар асосида комбинациялар яратиш. (2 соат)

Режа:

- 3.1. Халқ-сахна рақсида педагогнинг дарсдаги ўрни
- 3.2. Халқ-сахна рақси дарсига қўйиладиган талаблар

Калит сўзлар : рақс, машқ, педагог, халқ-сахна рақси, дарс.

3.1. Халқ сахна рақсида педагогнинг дарсдаги ўрни

Халқ-сахна рақси ўқитувчисининг дарсдаги ўрни ниҳоятда катта. Унинг раҳбарлигида талабаларнинг индивидуал имкониятларини шакллантириш ва намойиш қилиш, ижрочилик даражасини ошириш ва ижро этилган репертуарининг стилистик хусусиятларини ривожлантириш амалга

оширилади. Шу билан бирга, келишилган ҳолда талабалар фаолияти ижодий гуруҳлар асосида педагогик йўналишга ҳам эга бўлади. Шунингдек, ўқитувчидан жиддий касбий билим ва ўқитувчилик тажрибасига эга бўлишлик талаб этилади. Булар рақс техникаси, мусикий таълим ва умумий маданиятда акс этади. Бундан ташқари, ундан талабаларнинг мустақил ишлашга тайёрлашдп психологик маҳоратга эга бўлиши ҳам талаб этилади ва бу жараён эса бўлган ишончни ривожлантиришга, тўпланган билимларни сақлашга ва йўқотмасликка ёрдам беради.

Баъзан шундай ҳоллар ҳам бўладики, ўқитувчи методик билимларга эга, лекин талабанинг синфдаги хусусиятларини "кўришни" билмайди, майда нарсаларга эътибор бериб уни тузатиш билан машғул бўлади. Ҳар бир талабага индивидуал ёндашиш, унинг хатоларини аниқлаш ва мумкин бўлган хатоларни олдиндан билиш лозим. Албатта, агар талаба ўқитувчининг мулоҳазаларини тинглаб хатоларини тузатишга ҳаракат қилса, мақташдан бош тортмаслик лозим.

Ўқитувчи техник маҳоратнинг ҳар бир талабага мос бўлган энг қулай мезонини топиши лозим. Яна бир муҳим жиҳат - унинг шахсий иш тажрибаси: ўқитувчи ўз тана ҳаракатлари, ҳис - туйғулари орқали бошқаларга ўргатиши лозим. Ўқитувчидан талаба нафақат ҳаракатлар техникасини, балки сахна қонунларини ҳам ўрганади: яъни сиз чизикдан чиқмаслик, сахнада гапирмаслик, сахнада югурганда парда ортига ўтиб кетмаслик. Хаттоки, бармоқлар қонаган бўлса ҳам, сахнада доимо табассум қилиш лозим.

Оёқ техникасини ишлаб чиқишда ўқитувчи қўллар техникасини унутмаслиги лозим - бу санъатда маҳоратга эришишдаги мураккаб ва нозик жиҳатларидандир. Рус балет мактаби Кантилена қўллари билан машҳур. Ўқитувчи ҳаракатни тўлиқ кўрсатиши мумкин, лекин ҳар қандай ёшда қўллар тўлиқ юқорида акс эттирилиши лозим. Бу устозлик маҳорати сирларидан биридир.

Машғулотларнинг биринчи кунлариданоқ талабалар дарсга тўлиқ жалб қилинади, бу эса жиддий концентрация ва жисмоний фаолликни талаб қилади.

Юқоридаги ҳолатни ҳисобга олган ҳолда, ўқитувчи талабага ушбу шартли рақс шаклида табиий туйғу ва хотиржамликни ривожлантиришга ёрдам беради. Агар бу жараён амалга оширилмаса, муסיкий оҳанглар бўйлаб акс эттирилган айланавий чизиклар ўрнига гўёки кишанланган қўлларни кўрамиз, бутун вужуд каркасга боғланганга ўхшайди, ҳар бир ҳаракат зўраки қилинганга ўхшайди.

Синфда ўқитувчи "ўртача" билимли талабаларни унутиб фақат "иқтидорли" талабаларга эътибор қаратмаслиги лозим. Аксинча, ўз олдида "ўртача" билимли талабаларни кучли раққосаларга айлантириш ва яхши раққосаларни аъло даражага чиқариш вазифасини қўйиши лозим.

Халқ-саҳна рақси -бу талабаларнинг ижодий қобилиятлари намоён бўладиган фандир. Шунини тушуниш лозимки, дарснинг муваффақияти нафақат дарснинг тўғри танланган шакли ва мазмунига, балки жараёни тўғри ташкил этиш қобилиятига ҳам боғлиқ. Ўқитиш нафақат тўғри тушунтириш ва кўрсатиш, хатоларни тузатиш ва маслаҳат бериш билан боғлиқ, энг аввало таълим ва тарбияга ҳисса қўшадиган шароитларни яратиш ҳамдир.

Шунинг учун дарс экспериментал ва ижодий бўлиши лозим. Ижодий фикрлашсиз, ҳар қандай касб зерикарлига айланади ва бу айниқса педагогикага зиддир. Аммо талабалар билан тўлиқ боғланмасдан, ижод қилиш қийин.

Бу ҳақда Сухомлинский шундай ёзган эди: "Таълим жараёни тарбиячининг талаба билан маънавий ҳаётининг бирлигида - идеаллар, интилишлар, қизиқишлар, фикрлар, тажрибалар бирлигида ифодаланишида намоён бўлади."

Педагогик тажриба дарҳол ривожланмайди. Гоҳида кимнингдир педагогик қобилияти бор, лекин унинг тажрибаси ва махсус тайёргарлиги йўқ бўлиш ҳоллари ҳам учрайди. Шундай экан, педагог ҳар вақт изланишда ва ўз устида ишлашда давом этиши ва мутахассислиги бўйича тинимсиз меҳнат қилиши, ривожланиши мақсадга мувофиқдир.

3.2. Халқ-сахна рақси дарсига қўйиладиган талаблар

Ҳар бир дарс қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

1. Муайян вазифаларни бажариш - умумий, яъни, уларнинг бажарилиши барча дарслар, кетма -кет дарслар, ёки битта дарс давомида бажарилиши лозим.

2. Усулбий жиҳатдан тўғри тузилган бўлиши лозим.

3. Олдинги тадқиқотларнинг изчил давоми бўлиши ва шу билан бирга ўз яхлитлиги ва тўлиқлигига эга бўлиши; шу билан бирга асосан кейинги дарснинг вазифалари ва мазмунини таъминлаши лозим.

4. Ёши, жинси, жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлиги бўйича талабаларнинг маълум таркибига мос келиши лозим.

5. Талабалар учун қизиқарли бўлиши, уларни фаол бўлишга ундаши лозим.

6. Кўп томонлама жисмоний ривожланиш, саломатликни мустаҳкамлаш ва ҳолатни шакллантиришга ёрдам берадиган машқларни ўз ичига олиши лозим.

7. Ўқув куни жадвалидаги бошқа дарслар билан тўғри бирлаштирилиши лозим.

8. Тарбияловчи характерга эга бўлиши лозим.

Халқ-сахна рақси дарси машғулот бошида аста-секин ривожланади. Ҳар бир дарсда ўқитувчи талабалар олдига маълум мақсадлар қўяди, уларга дарс охиригача аниқ муаммоларни ҳал қилиш орқали эришиш лозим. Шунинг учун ҳар бир дарс методик жиҳатдан яхши тузилган ва мақсадли бўлиши лозим. Дарсни бошлаётганда, ўқитувчи ўзига саволлар бериши лозим: қандай янги машқлар ёки рақс ҳаракатларини ўрганиш, қандай машқларни тўлдириш ёки мураккаблаштириш, нималарни ишлаб чиқиш лозим. Бир ёки икки машғулот давомида машқларнинг бутун мажмуасини ўрганишга уриниш самарасиз бўлади, чунки ҳаракатларни бажариш техникасини ўрганиш анча вақт ва куч сарфлашни талаб қиладиган мураккаб ва узоқ жараёндр.

Ҳар бир дарсда навбатма -навбат ишлаш принципи асосида қурилган бир нечта машқлар бўлиши лозим: текис, юмшоқ машқлар тез, ўткир машқлар билан алмашади; эгилган оёқ машқлари билан чўзилган оёқларда машқлар ва бошқалар. Муқобил ҳаракатлар тамойили билан бир қаторда, ўқитувчи "оддийдан мураккабгача" тамойилига амал қилади. Бутун дарс шу тамойилга асосланади, станкадаги машқ, рақс машғулотлари ва машқнинг ҳар бир индивидуал ҳаракати. Аста -секин, индивидуал элементлар ва ҳаракатлардан, станка ва этюд машғулотлар комбинациясида шаклланади.

